

3/2023,
may-iyun
(№ 00065)



ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОМ АШЁДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш йўллари

Яхьяева Инобат Каримовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD.
inobatyaхуayeva1973@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i17

Аннотация

Ушбу илмий мақолада тўқимачилик корхоналарида хом ашёлардан фойдаланиш бўйича солиштирма капитал харажатларини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини, маҳсулот сифатини, маҳаллий хом ашёда тақсимлаш фойдаланиш даражаси, хом ашёнинг тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларига жавоб бериш, техника-технология даражаси, ресурсларидан унумли фойдаланиш даражаси йўллари кўрсатилган. Тўқимачилик корхоналарида хом ашёдан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати, хом ашё ресурслари, тежамкор ишлаб чиқариш қайта ишлаб чиқариш, ресурс тежамкорлиги, маҳсулот сифати, моддий ресурслар, бошқарув самарадорлиги, рақобатлашган бозор, бошқарув механизми, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

ПУТИ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЫРЬЯ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧНОГО ПРОИЗВОДСТВА НА ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Яхьяева Инобат Каримовна

Доцент Ташкентского государственного экономического университета, кандидат экономических наук

Аннотация. В этой научной статье показаны сравнительные капитальные затраты на использование сырья на текстильных предприятиях, производительность труда, производственные затраты, качество продукции, распределение местного сырья, уровень использования, реакция сырья на показатели качества готовой продукции, уровень техники и технологии, уровень производственного использования их ресурсов. Разработаны предложения и рекомендации по способам повышения экономической эффективности рационального использования сырья на текстильных предприятиях.

Ключевые слова: текстильная промышленность, сырьевые ресурсы, рентабельное повторное производство, экономия ресурсов, качество продукции, материальные ресурсы, эффективность управления, конкурентный рынок, механизм управления, локализация производства.

WAYS OF RATIONAL USE OF RAW MATERIALS IN THE ORGANIZATION OF ECONOMICAL PRODUCTION IN TEXTILE ENTERPRISES

Yakhyaeva Inobat Karimovna

Associate professor, Tashkent State University of economics, PhD

Abstract

This scientific article shows the comparative capital costs for the use of raw materials in textile enterprises, labor productivity, production costs, product quality, distribution of local raw materials, the level of use, the response of raw materials to finished product quality indicators, the level of technology and technology, the level of productive use of their resources. Proposals and recommendations have been developed on ways to improve the economic efficiency of rational use of raw materials in textile enterprises.

Keywords: textile industry, raw material resources, cost-effective production Re-production, resource economy, product quality, material resources, management efficiency, competitive market, management mechanism, production localization.

Кириш

Корхона фаолиятининг пировард натижалари кўп жиҳатдан уни ўраб турган шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, ишлаб чиқаришнинг моддий ресурслари ва уларни бирлаштириш, улар ёрдамида меҳнатни ташкил этиш ҳар доим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Рақобатга асосланган бозор муносабатлари тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини бошқаришда бошқарув илмини чуқур билиш ва маҳоратни талаб этади, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда бозорда ўз ўрнини топиши, уни сақлаб қолиш учун ўзининг ички дунёсини ўзгартиришини ва мулкка эгаллик қилишини унумли фойдаланиши орқали амалга оширишини талаб этади.

Корхонанинг асосий мақсади фойда олиш мақсадида бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлиб, бунда фойдани оширишдаги энг муҳим омил ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобланади, чунки ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва материаллардан фойдаланиш, моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма ўзгаришлар харажатлар даражасида ўз аксини топади.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари (кейинги ўринларда тўқимачилик маҳсулоти деб юритилади) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишларда мамлакат тўқимачилик саноатининг изчил ривожланишига тўсиқ бўлаётган қатор тизимли муаммолар аниқланди, хусусан:[1]

биринчидан, тармоқнинг етарли салоҳиятига қарамасдан, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда уйғунлашган технологик занжирнинг мавжуд эмаслиги сабабли 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 4,6 фоизни ташкил этди;

иккинчидан, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизими тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларига жавоб бермайди, бу эса ҳал этилмаган муаммоларнинг тўпланиб қолишига олиб келмоқда ҳамда унинг жадал модернизация қилинишига тўсқинлик қилмоқда;

учинчидан, миллий стандартлар ва тўқимачилик маҳсулотларининг синовлари бўйича лабораторияларнинг халқаро стандартлар ва талаблар билан уйғунлаштириш ишларининг қониқарсизлиги, шунингдек, сифат менежменти замонавий тизимларини жорий этишнинг паст даражада эканлиги маҳаллий маҳсулотларни йирик хорижий савдо бозорларига чиқаришга, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳамда маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигига бўлган ишончни оширишга тўсиқ бўлмоқда;

тўртинчидан, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси мавжуд муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва тўқимачилик саноати ривожланишининг истиқболли йўналишларини белгилаш учун шарт-шароит яратмаяпти;

бешинчидан, хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларининг нооқилона тақсимланиши, логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ташкил этишдаги камчиликлар ишлаб чиқариш қувватлари анча қисмининг тўхтаб қолишига, иқтисодий йўқотишларга ва оқибатда маҳсулотлар таннархининг ошишига, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунлик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлашишга қодир бўлган миллий брендларни шакллантиришнинг етарли даражада эмаслиги тўқимачилик саноати корхоналари даромадларини ошириш имконини бермаяпти;

еттинчидан, кадрлар тайёрлаш тизими тўқимачилик саноатининг реал эҳтиёжларига жавоб бермайди, тармоқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўқитишнинг инновацион йўналишларини жорий этиш ва илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш юзасидан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон қарори билан “Хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари” тасдиқланди.[2]

Ушбу параметрларга эътиборни қаратадиган бўлсак – 2023 йилда 12,5 млрд. долларлик тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш белгиланган бўлса, 2025 йилга бў кўрсаткич 15 млрд. АҚШ доллардан ошиши кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадини олдига қўйган ҳар бир корхона ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш стратегия ва тактикасини ўз корхонаси учун ишлаб чиқади. Бундан кўзланган мақсад – ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё харажатларини камайтириш орқали фойда миқдорини оширишдир. Изланишлар қўлланилган стратегия ва тактиканинг хом ашё харажатларини камайтиришидаги сўнгги босқичи ва муқобил йўли ресурслар тежамкорлигига эришиш эканлигини кўрсатмоқда.

Ресурсларни танлаш муқобиллиги қўйидаги вазифаларни ҳал қилади: харажатларнинг камайиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини ошиши; алоҳида товарлар ва маҳсулотлар ассортиментини билан бозорга кириб бориш ва ўз ўрнини

эгаллаш; маҳсулот сифатида аниқ устунликка эришиш; технологиядан фойдаланишда мавқеининг ўсишига эришиш; ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ва хўжалик фаолиятдан фойда олиш.

Муқобиллик – ресурслардан фойдаланиш стратегия ва тактикасининг таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқаришда иқтисодий тежамкорлик ва самарадорликни оширишга олиб келади.

Модомики, стратегия ва тактика ҳар қандай ишда, шунингдек, моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишида биринчи навбатда, ходимлардан тегишли билим ва иш малакани, ресурслардан фойдаланишида масъулликни, бозор иқтисодиёти шароити шартларини ва фан-техника янгиликларидан воқифликни, илмий тадқиқот ва уларнинг ечимларини теран англашни талаб этади.

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ўз навбатида моддий ресурслардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шу боисдан ҳам, моддий ресурслардан тежаб- тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, тўқимачилик корхоналарида хом ашёдан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳар доим долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги пайтда қайси маҳсулотни, қандай ва қанча ишлаб чиқаришгина эмас, шу билан бирга бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қанча ресурс ва маблағ талаб қилиниши ҳам кўпинча корхоналар учун асосий масалаларга айланмоқда. Бу ҳар бир корхонани бир томондан, талабни қондириш, иккинчи томондан, ресурслар харажатининг кам чиқимли йўллари ахтаришга ундайди. Булардан ташқари, ҳар бир корхона учун характерли бўлган меъёрлаштириш ва ресурсларнинг пуллиги ҳам шунини тақозо этади.

Д.Лайкер фикрича «тежамкор ишлаб чиқариш» – бу бир усул бўлиб, унинг вазифаси барча ходимларни жараёнларни оптималлаштиришга жалб қилишдан иборат. Жалб қилишдан мақсад эса – мулкдорлар, менежмент ва ходимлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат асосида инсон салоҳиятини самарали ривожлантириш ва имкон қадар рўёбга ошириш орқали доимий такомиллашиш ва самарадорликни оширишдан иборат.[3]

Д.Вумек ва Д.Жонс таъкидлашича, «тежамкор ишлаб чиқариш» – бу менежмент концепцияси бўлиб, Тойота автомобилсозлик корпорациясида яратилган ва барча турдаги йўқотишларни оғишсиз бартараф этишга интилишга асосланган. Концепция доирасида бизнесни оптималлаштириш жараёнига ҳар бир ходимни жалб этиш ва барча жараёнларни имкон қадар истеъмолчига йўналтириш кўзда тутилади. [4]

Э.А.Башкардиннинг фикрича, «тежамкор ишлаб чиқариш» – бу иш жойини ташкил этишни, ишлаб чиқариш майдонлари, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, логистика, бухгалтерия ва бошқа маъмурий ва ёрдамчи хизматларни, яъни, умуман, компанияни режалаштиришни қамраб оладиган комплекс ишлаб чиқариш тизимидир. [5].

Шундай қилиб, «тежамкор ишлаб чиқариш» – бу бошқарув фалсафаси бўлиб, мунтазам равишда ноишлаб чиқариш йўқотишларини аниқлашга ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга асосланган.

«Тежамкор ишлаб чиқариш»ни жорий этиш инсон ресурсларини бошқаришга ходимларни корхона самарадорлигини оширишнинг асосий манбаи сифатида тан олишга асосланган янги ёндашувларни талаб этади.

Н.С.Давидова «тежамкор ишлаб чиқариш» ноишлаб чиқариш харажатларини мунтазам қисқартиришга ва ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштиришга асосланганлигини қайд этади.[6]

Ривожланган давлат фирмалари раҳбарлари операцион харажатларда тежаш учун янги имкониятлар излаш билан банд. Арзон ишчи кучи, чет эл компаниялари учун бозорга кириш тўсиқлари пастлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун тарифлар пастлиги ҳисобга олинадиган бўлса, Африка [7] қитъаси давлатлари (Нигерия [8], Хабашистон [9], Жазоир, Ливия, Марокаш, Судан, Тунис, Жанубий Африка) шундай майдонлар бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришни кўчирган биринчи компаниялар автомобилсозлик соҳаси компаниялари эди. ТИдан фойдаланадиган автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш компаниялари худди шундай сиёсатни ўзларининг Африкадаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам қўллайдилар. ТИдан фойдаланиш йўлидаги жиддий тўсиқ – бу кросс-маданий менежмент йўқлигидир.

АҚШнинг йирик ишлаб чиқариш компанияларидан бири – «Crandon Corporation» компаниясида ўтказилган тадқиқот ва муҳокамалар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш «тортиб олиш» (pull system) [10], визуал бошқариш (visual management), иш ва хавфсизликни стандартлаштириш (standardize work and safety), узлуксиз такомиллаштириш (kaizen) [11] тамойиллари асосида ташкил этилса, самарадорлик ошишига ва харажатлар қисқаришига сезиларли даражада таъсир қилиш мумкин.

Ален Брандт айтишича[12], Lawrenceville (Жорджия штати, АҚШ) етти йил давомида тежамкор ишлаб чиқариш тамойилларига амал қилган. 2009 йилга келиб жараёнларни бошқариш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди: сотувлардан даромад икки баравар ошди, буюртмани бажариш вақти деярли 80 фоизга қисқарди, фойдаланиладиган ҳудуд 20 фоизга камайди, меҳнат унумдорлиги 30 фоизга ошди.

Сўнгги ўн йилда АҚШнинг босма нашрларида тежамкор ишлаб чиқариш айниқса оммалашиб бормоқда.[13] Масалан, ISO 9000 сифат стандартига мувофиқ бўлиш учун, «The Milwaukee Journal Sentinel» нашри бир вақтнинг ўзида «Lean Manufacturing» ва «Six Sigma» концепцияларидан фойдаланган.[14] «The Wall Street Journal» эса муаммоларни идентификация қилиш ва мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун «Six Sigma» тизимидан фойдаланган.[15] «Southernprint» компанияси ҳам тежамкор ишлаб чиқаришдан фойдаланишда катта муваффақиятларга эришган: ортиқча харажатларни камайтиришга ва меҳнат шароитини яхшилашга муваффақ бўлган.

Хом ашёдан рационал фойдаланиш – саноат хом ашё базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим манбаидир. Иқтисодий нуқтаи назардан хом ашёдан мақсадга мувофиқ ва рационал фойдаланишида кўп жиҳатдан қайта ишловчи саноат тармоғи, ёки корхона учун хом ашёни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Хом ашё маҳсулот хусусиятини ва сифатли технологик жараённи танлаш ва унинг прогрессивлик даражасига, машиналардан ва вақтдан фойдаланиш даражасига, ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишни илмий жиҳатдан ўрганиш,

қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тўқимачилик корхоналарида жуда хилма-хил турдаги хом ашёлардан фойдаланилади. Тўқимачилик корхоналарида ресурслардан фойдаланиш тактикасини белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: солиштирама капитал харажатларини; меҳнат унумдорлигини; маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини; маҳсулот сифатини; маҳаллий хом ашёда тақсимлаш фойдаланиш даражасини; камёб хом ашёдан фойдаланиш даражасини; чиқиндиларнинг турли кўринишидагисини камайтириш имкониятлари; сунъий материаллардан фойдаланишни; хом ашёнинг прогрессив технология сифат талабларига жавоб бериш; хом ашёнинг тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларига жавоб бериш; техника-технология даражаси, ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасига жавоб бера олиш.

Ресурслардан тежамкор фойдаланишни стратегияси қуйидаги мақсадларга қаратилади: маълум даврда муайян тармоқда қўллашнинг иқтисодиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлиги; айрим ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини корхона ишлаб чиқаришида ҳисобга олиш; техника тараққиётини ресурслардан унумли фойдаланишини даражасига мос келиши; охир-оқибат ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш корхона самарадорлигини ошириш.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишнинг янги тизимларини жорий этиш – рақобат шароитида фаолият кўрсатишнинг зарурий шартидир.


Рақобатга асосланган иқтисодиёт шароитида ҳар қандай корхона асосий мақсадига эришиш учун, ишлаб чиқариш харажатларини жумладан, меҳнат предметларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада фойдаланганлик даражасини оширишга эришадилар.

Моддий ресурслардан йил давомида тўлиқ ва тежаб фойдаланиш энг муҳим мақсад ҳисобланади. Хом ашё ва материалларга, электро-энергияга, ёқилғи ва бошқа материалларга талаб корхона томонидан мустақил режалаштирилади. Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўртача харажатлари ёки таннархи ортади.

Моддий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этишни тақозо этади. Чунки, улар ёрдамида моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади. Корхонада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларни тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга, корхонанинг фойдаси ва рентабеллигини ошириш, оқибат натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш имкониятини беради.

Корхоналарнинг моддий ресурслар билан зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланиши, шу билан биргаликда улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланишида маҳсулотнинг материал сарфи кўрсаткичи алоҳида ўрин тутати (1-расм).



1-расм. Тўқимачилик корхоналарида материаллар сарфига таъсир этувчи омиллар

Тўқувчилик корхоналари хом ашё сарфини энг кўп талаб қиладиган ишлаб чиқариш тармоқлари қаторига киради. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хом ашё ва асосий материалларнинг улуши 90 %гача ташкил этилиши мумкин. Моддий сарф харажатларни мунтазам равишда қисқартириб бориш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда корхонанинг техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имкониятини беради.

Тўқимачилик корхоналари мисолида «Апитекс» МЧЖ корхонасида моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш учун ҳақиқатда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг таннархида хом ашёга кетган харажатларнинг режа кўрсаткичидан фарқини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу фарқ маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи миқдори ҳамда қийматининг ўзгариши ҳисобига юзага

келади. Хом ашё сарфи ҳамда қийматининг ўзгариши турли омиллар ҳисобига юзага келиши сабабли, таҳлил давомида ушбу омилларнинг таъсири ҳам ўрганилиши керак.

Қуйидаги 1-жадвалда «Апитекс» МЧЖ тўқувчилик корхонасида хом ашёдан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилган.

1-жадвал

«Апитекс» МЧЖ да хом ашёдан фойдаланиш кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йил 2019 йилга нисбатан	
					(+, -)	%
1.	Газлама ишлаб чиқариш ҳажми, минг метр	90930	97295	106051,7	+15121,7	116,6
2.	Калава ип сарфи жами, т: Арқоқ Танда	6866,1	7423,8	7346,7	+480,6	107,0
		8199,2	9283,2	9183,1	+983,9	112,0
3.	Ўртача 100 метр газлама ишлаб чиқаришга кетган ип сарфи, кг: Арқоқ Танда	7,551	7,610	7,250	-0,30	96,0
		9,017	9,857	9,343	+1,04	103,6

Манба: «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2021 йил «Апитекс» МЧЖда 2019 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми +15121,7 минг метрга ортган бўлишига қарамасдан, хом ашё сарфини пасайтиришга эришиш ҳисобига танда ипи бўйича ҳам, арқоқ ипи бўйича ҳам харажатлар қисқарган. 2020 йилга нисбатан ўртача 100 метр газлама ишлаб чиқаришга кетган ип сарфи қисқариши ҳисобига арқоқ ипи сарфи бўйича (7346,7-7423,8) 77,1 тонна калава, танда ипи бўйича (9183,1-9283,2) 100,1 тонна иқтисодга эришилган. Мазкур ҳолат эса, корхонада материаллар сарфини камайтириш ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Фикримизча, тўқувчилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришда хом ашё ва асосий материаллар омилининг таъсирини баҳолашда қуйидагилар инobatга олиниши керак: маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хом ашё ва асосий материалларга кетган харажатларнинг режа кўрсаткичидан фарқланиши; хом ашё сарфи меъёри ва баҳоси омилларининг хом ашё ва асосий материалларга кетган сарф-харажатларнинг режа кўрсаткичидан фарқланишига таъсирини аниқлаш; баъзи омилларнинг хом ашё сарфи меъёрига таъсирини аниқлаш; хом ашё ва асосий материаллар қийматининг режа кўрсаткичларидан фарқ қилиш сабабларини аниқлаш; маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хом ашё ва асосий материалларга кетган сарф-харажатларни қисқартириш ички имкониятларини аниқлаш.

Тўқув ишлаб чиқаришида хом ашё ва асосий материаллардан фойдаланиш ҳар 100 метр хом газламага тўғри келадиган арқоқ ва танда ипларининг сарфи кўрсаткичи билан баҳоланади.

Бир хил шароитда хом ашё ва асосий материалларга кетган харажатларнинг умумий миқдори ишлаётган хом ашёнинг миқдори, структураси ва қийматиға боғлиқ бўлади. Ишлатилган хом ашё ва асосий материаллар миқдорининг ўзгариши, асосан

маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи меъёрининг ўзгариши сабабли юзага келади.

2-жадвал

«Апитекс» МЧЖда хом ашё ва материалларга кетган харажатлар

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортименти бўйича ҳажми, млн. сўм			
	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2019 йилга нисбатан фарқи (-, +)
Хом ашё ва асосий материаллар (брутто)	571616,0	685939,2	686300,6	+361,4
Қайта ишлатиладиган чиқиндилар	1788,7	2057,0	2058,9	+1,9
Чиқиндилар қийматини ҳисобга олган ҳолда хом ашё ва материаллар	579561,2	683882,2	684241,7	+359,5

Манба: «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашё сарфи ўзгаришларининг корхона бўйича жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашё сарфига таъсирини ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва структураси бўйича қайта ҳисобланган режадаги ва ҳақиқатдаги хом ашё ва материаллар сарфи кўрсаткичларини таққослаш орқали баҳолашимиз мумкин. 2021 йил «Апитекс» МЧЖда мазкур омил ҳисобига танда ипи бўйича +88,7 тонна ортиқча сарфланиш, арқоқ ипи бўйича эса -4,5 тонна иқтисодга эришилган (8250,3-8254,8).

Тўқувчилик саноати корхоналарида, одатда хом ашё ва асосий материалларининг мавжудлиги ва ўзгариши жорий ҳисобга олиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолларда транспорт-тайёрлов харажатлари алоҳида ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришга эса ишлатилган хом ашё унинг ҳақиқатдаги таннархи бўйича ёзилади. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган, баҳо прејскурантларига аниқланган хом ашё ва материаллар қийматига тегишли транспорт-тайёрлов харажатлари қўшилади. Бу харажатлар хом ашё ва материаллар қийматига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг режага нисбатан ўзгариши бир қатор омиллар ҳисобига келиб чиқиши мумкин. Буларга ташиш йўлининг узоқлиги, транспорт тури, юк кўтариш қувватидан тўла фойдаланмаслик. таъминотчи корхоналар билан истеъмолчи корхоналар ўртасида даллолларнинг бўлиши, хом ашёнинг тайёрлаш усуллари, ортиш ташиш ишларини механизациялаш даражаси каби омиллар киради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларини таҳлил қилар эканмиз, маҳсулот бирлигига кетадиган хом ашё сарфи улушини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Хом ашё сарфини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: маҳсулотга кетган хом ашё, ҳамда чиқиндиларга кетган хом ашё унумли фойдаланилган хом ашёни умумий хом ашё сарфига нисбати хом ашё ва материаллардан фойдаланиш коэффиценти ҳисобланади. Чиқиндилар эса қайта ишлатса бўладиган ва қайта ишлатиб бўлмайдиган чиқиндиларга бўлинади.

Хом ашё ва асосий материаллардан фойдаланиш коэффиценти қанчалик юқори бўлса, чиқиндилар миқдори шунчалик кам бўлади. Шу сабабдан ҳақиқатда

юзага келган чиқиндиларнинг характери ва режа кўрсаткичидан фарқ қилиш даражасига қараб миқдорий омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидаги хом ашё ва материаллар қийматига таъсирини аниқлаш мумкин.

Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва ассортименти бўйича ҳисобланган ҳақиқатдаги хом ашё ва материаллар қийматининг режадан фарқланиши айрим маҳсулот турлари бўйича кўрилган зарарларнинг алгебраик йиғиндиси кўринишида ҳисобланади. Шу билан бир қаторда маълум бир хом ашё туридан турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳам иқтисод қилиши мумкин.

Бир хил шароитда маълум ҳажмдаги маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи миқдори ҳисобот даврида режага нисбатан хом ашё ва асосий материаллар улушининг ўзгаришига, яъни хом ашё сарфи меъёри ва баҳоси омилига боғлиқ. Хом ашё сарфи меъёри ва баҳоси омиллари хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия харажатларининг режадан фарқланишига таъсир кўрсатади.

Ресурс тежамкорликка таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таҳлили умумлаштирилган ҳолда, хом ашё, материаллар ва ресурслар сарфининг илмий асосланган меъёрларига амал қилиш, ишлаб чиқаришдан йўқотишларнинг олдини олиш, чиқитсиз технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати мақбул нисбатларини таъминлаш орқали, корхонада ишга солинмаган ички имкониятларни ишга солиш, корхона самарадорлигини ошириш мумкин, деб хулоса қилишимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

«Апитекс» МЧЖда тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришга омилли ёндашув самараси

Т/р	Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2019 йилга нисбатан (+, -)
1.	Жами хом ашё ва материалларга кетган харажатлар, млн. сўм	596468,9	685939,2	686300,6	+89831,7
2.	Харажатларни камайтириш ички омиллари, жумладан:				
	Хом ашё ва материаллар сарфининг илмий асосланган меъёрлари асосида ишлаб чиқариш, млн. сўм	226658,2	260656,9	260794,2	+34136
	Ишлаб чиқаришда йўқотишларнинг олдини олиш, млн. сўм	77540,1	89172,1	89219,4	+11679,3
	Чиқитсиз технологияларини жорий этиш, млн. сўм	101399,7	102890,8	116671	+15271,4
	Ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати, млн. сўм	190870	219500	219613,5	+28743,5

Манба: «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонада бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда 2021 йил 2019 йилга нисбатан жами хом ашё ва материалларга кетган харажатлар 89831,7 млн. сўмга ортган. Таҳлил натижаларига

кўра, корхонада харажатларнинг ортишига таъсир кўрсатган асосий омиллар баҳоланган:

Хулоса ва таклифлар

Тўқимачилик корхоналарида эркин иқтисодий муносабатлар шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– корхона фирмаларнинг зарурий моддий ресурслар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

– моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини комплекслиги, сифатлиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;

– материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмига ва унинг таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;

– хом ашё, ёқилғи ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай қолган ички имкониятларни аниқлаш.

Корхона ёки фирмада моддий ресурслардан тўлиқ ва бир меъёردа самарали фойдаланганлик даражасини баҳолашда айнан, шу ҳолатларни ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур.

Корхоналар ўз мақсадларини муваффақиятли ҳал этишлари учун ишлаб чиқаришларни моддий техника ресурслари билан таъминлаш жараёнининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун эса аниқланган, яъни, корхона учун зарур бўлган моддий техника ресурсларининг самаралисини олишга ҳаракат қиладилар.

Моддий техника маркетингини, яъни бозорни ўрганиш билан биргаликда уларни қайси бозор инфратузилмаларидан сотиб олиш мумкинлигини белгиладилар.

Шу даврда товар ва хом ашё биржалари билан сотувчилар томонидан ташкил этилаётган кўргазмалар бевосита корхоналарнинг ўзлари билан алоқаларни тикладилар. Моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашда техника, хом ашё, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар бўйича белгиланган меъёрлардан қандай фойдаланганлиги, хом ашёга бўлган талабни аниқлашда, ундан қай даражада фойдаланганлиги баҳоланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3459667>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4453-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4516526>

3. Лайкер Д., Хосеус М. Корпоративная культура Toyota: Уроки для других компаний [Текст] / Д.Лайкер, М.Хосеус – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2011. –496 с.

4. Вумек Д., Джонс Д.Т. Бережливое производство: как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании [Текст] / Д.Вумек, Д.Т.Джонс – М.: Альпина Пабlishерз, 2010. –471 с.

5. Вэйлер М. Инструменты бережливого производства: мини руководство по внедрению методик бережливого производства [Текст] / М.Вэйлер – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. –125 с.
6. Давыдова Н.С. Бережливое производство. Монография. / Н.С.Давыдова – Ижевск, Изд-во Института экономики и управления, ФГБОУ ВПО, «УдГК», 2012. –138 с.
7. Kojima S. The use of a lean production index in explaining the transition to global competitiveness: The auto components sector in Africa [Электронный доступ] / S. Kojima, R. Kaplinsky // Technovation. –2004. –24(3). –р. 199–206.
8. Siddiqi M. Nigeria still king of the hill [Электронный доступ] / M. Siddiqi, N. Ford // African Business. –2008. –№10. –р. 29–30. –Режим доступа: <http://search.proquest.com/docview/220437768?accountid=4545>
9. Mezgebe T.T. Economic analysis of lean wastes: Case studies of textile and garment industries in Ethiopia [Электронный доступ] / T.T. Mezgebe, H.B. Asgedom, A. Desta // International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences. –2013. –3(8). –р. 101–128.
10. Womack J., Jones D. Lean Solutions / J. Womack, D. Jones. –Simon & Schuster, London. 2005.
11. Имаи М. Кайдзен. Ключ к успеху Японских компаний / М. Имаи. –М.: Изд-во Альпина Паблишерз, 2011. –5-е изд. –274 с.
12. Allen B.R. Case Study: Journey to optimization / B.R. Allen // Industrial Engineer. August 2009. p. 50–51.
13. Cooper K., Keith M.G. Why Lean is not working in the print industry, and what should be Doing with it / K. Cooper, M.G. Keith // GATFWorld. –2007. –19(01). –р. 21–22.
14. George, Michel L. Lean Six Sigma / Michel L. George. –New York, NY: McGraw-Hill Companies, Inc., 2002.
15. Columbia K. Quality tools to help you develop a world-class culture [Электронный доступ] / K. Columbia // Technically Speaking. 2008. October 20. Режим доступа: <http://www.naa.org/Resources/Publications/105>.
16. Yahyaeva Inobat Karimovna (2021). MAIN AIMS AND PRINCIPLES OF "LEAN PRODUCTION" IN LIGHT INDUSTRY ENTERPRISES. ISCience.IN.UA «Актуальные научные исследования в современном мире». Выпуск 5(73) elibrary.ru/item.asp?id=46246264. ISSN: 2524-0986
17. Yahyaeva Inobat Karimovna (2020). Role of Implementaton of “Lean Production” in Light Industr. nternational Journal of Research in Management & Business Studies (IJRMBS 2020. <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/46/51>
18. Yahyaeva Inobat Karimovna (2021). O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TO‘QIMACHILIK SANOATIDA “TEJAMKOR ISHLAB CHIQRISH” KONTSEPTSIYASINI TATBIQ ETISH MASALALARI. Логистика ва иқтисодиёт журналі 2021 й. 4-сон. <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/3105/810>
19. Yahyaeva Inobat Karimovna (2021). Theoretical Fundamentals of Introduction of Economic Production in Industrial Enterprises: Principles and Functions. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol 11 Issue–01, Jun -2021 <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/124/205>
20. Inobat Yahyaeva (2020). FOREIGN EXPERIENCE OF IMPLEMENTATION OF “LEAN PRODUCTION”. International Journal of Scientific & Engineering Research Volume 11, Issue

12, December-2020. ISSN 2229-5518. <https://www.ijser.org/researchpaper/FOREIGN-EXPERIENCE-OF-IMPLEMENTATION-OF-LEAN-PRODUCTION.pdf>

21. Yakhyaeva Inobat Karimovna (2020). DEVELOPMENT OF A LEAN MANUFACTURING SYSTEM AS A FACTOR IN INCREASING THE COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES. ISCIENCE.IN.UA «Актуальные научные исследования в современном мире» Выпуск 9(65) ч. 3 ISSN 2524-0986.

<https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/47/52>

22. Inobat Yaxyaeva. (2022). Efficiency and Development Forecasts of Implementation of the Concept "Lean Production" in Textile Enterprises. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I5.325 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 05 2022. <https://www.int-jecse.net/abstract.php?id=3632>

23. Saidov Mashal Samadovich (2023). Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. International Journal of Business Diplomacy and Economy Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110. <https://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/977/843>

24. Saidov Mashal Samadovich (2023). Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620 - 6269/ ISSN (printed): 2615 – 4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023. P. 38-52. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/3879/3668>

25. Saidov Mashal Samadovich (2023). Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023. P. 15-24. ISSN 2697-2212 Available Online: <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/622/620>

26. Saidov Mashal Samadovich (2022) WAYS TO ENSURE ENERGY SECURITY IN UZBEKISTAN. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME 21 Feb 2022. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1062/977>

27. Saidov Mashal Samadovich, Vafoeva Zarnigor (2023) Features of Strategic Alliances in the Global Economy. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1896/1725>

28. Saidov Mashal Samadovich. Muidinov Dilmurod Murodzhonovic. (2023) The Development Strategy of International Companies in Modern Conditions. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1897/1726>

29. Saidov Mashal Samadovich, Shodmonov Beknur Olimjonovic (2023) Organization of Control and Evaluation of Effectiveness in International Companies. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1898/1727>